

КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИККА АСОСЛАНГАН ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ АСОСЛАРИ

Рзаева Гульзира Камаловна
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси
ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик
олий
мактабининг Қорақалпоғистон
Республикаси
худудий филиалининг раҳбари
тел. +998 91 386 07 88

Бозор муносабатлари шароитида хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётда тутган ўрни тобора ошиб бормоқда. Ушбу соҳа иқтисодиётимиз юксалиши учун замин яратиш билан бир қаторда мамлакатимиз учун ниҳоятда муҳим бўлган бандлик муаммосини ва аҳоли даромадларини ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Аннотация: Мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини давлат томонидан институционал қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмлари ёритилиб, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини давлат томонидан институционал қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган ишларга қўшимча тавсиялар берилган.

В статье описаны экономические механизмы институциональной поддержки со стороны государства сектора услуг малого бизнеса и частного предпринимательства, также даны дополнительные рекомендации по работе, проводимой по институциональной поддержке государством сектора обслуживания.

This article describes the economic mechanisms of institutional supporting by government the sector of service based on the small business and private entrepreneurship, also provides additional guidance on the work carried out with the governmental supporting of the service sector.

Калит сўзлар: бозор иқтисодиёти, хизмат кўрсатиш ва сервис, хусусий тадбиркорлик, ялпи ички маҳсулот, аҳоли бандлиги, қишлоқ хўжалиги, институционал асослари, мулкдор, ижтимоий ҳимоя, суғурталаш, солиқ, ахборот, маҳалла, оммавий ахборот воситалари.

Кириш. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хизматлари бозорини ривожлантиришда институционал асосларни икки муҳим-ҳуқуқий ва

меъерий асосларни такомиллаштирувчи ҳамда молиявий, иқтисодий ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар билан боғлиқ гуруҳларга ажратиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқий ва меъерий асосларга- қонунлар ости ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукумати фармон ва қарорлари, шартномавий муносабатларни тартибга солувчи ҳамда услубий-меъерий ҳужжатлар киради.

Молиявий, иқтисодий ва тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларга эса-банклар, солиқ, статистика ва суғурта идоралари, ҳокимият, тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш давлат хизматлари марказлари, ахборот ресурс марказлари, аукцион, биржа, назорат органлари, коммунал хизмат идоралари ва бошқа тадбиркорларга кўмаклашувчи нодавлат ташкилотлар киради.

Ҳар қандай жамият институционал муҳитини ташкил этувчи маълум бир институтлар доирасида фаолият юритади ва ривожланиб боради. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хизмат кўрсатиш бозорида институционал ўзгаришлар мазкур бозорни узлуксиз ва самарали фаолият бритадини таъминловчи ҳуқуқий-меъерий, молиявий-иқтисодий муносабатлар тизимини ўз ичига олади. Бу ўз ўрнига хизматлар бозоридаги монополияни чеклаш ва рақобат муҳитини вужудга келтиришдаги давлатнинг тартибга солувчи сиёсатининг тўғри белгиланиши билан характерланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодиётининг стратегик трансформацияси жараёнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат хўжалик юритувчи субъект, балки жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминловчи энг асосий кучга айланди. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Тадбиркор бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади” деган фундаментал тамойил мамлакат иқтисодий сиёсатининг мазмун-моҳиятини белгилаб бермоқда. Бу стратегия иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда кичик бизнеснинг улушини ошириш, маъмурий тўсиқларни бартараф этиш ва соҳага инвестицияларни жалб қилишга қаратилган тизимли ислохотлар занжирини ташкил этади.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражаси аҳоли юқори турмуш сифатини таъминлашнинг ва иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришнинг белгиловчи омилига айланди. Айниқса, ушбу соҳанинг, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унинг даромадларини ошириш муаммосини ҳал этишдаги беқиёс аҳамиятини кишилик жамияти томонидан эришган катта ютуқ сифатида алоҳида эътироф этиш лозим. Соҳанинг аҳоли турмуш даражасини ҳамда сифатини яхшилашдаги ролини ошириш, биринчи навбатда, ушбу соҳани бугунги ҳолати ва ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни, ушбу соҳада мавжуд бўлган

муаммоларни аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни, имкониятларни белгилашни ва келажакда улардан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарорида: “Қўшимча 1,5 миллион аҳоли сервис соҳасида доимий даромадга эга бўлди ва хизматлар кейинги етти йилда 19 миллиарддан 65 миллиард долларга ошди (ўсиш-3,5 баробар). Айниқса, ИТ, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида “катта сакраш” бўлди. Аҳоли даромади ва тўлов қобилияти 2 карра ўсгани натижасида аҳолида янги хизмат ва сервис турларига талаб ортмоқда” деб таъкидлаган эдилар.

Давлат раҳбарининг иродаси билан тадбиркорлик фаолиятига асосиз аралашувларни чекловчи қатъий мораторийларнинг жорий этилиши соҳада янги ишонч муҳитини шакллантирди. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкининг изчил камайтириб борилаётгани иқтисодий ўсишнинг муҳим омили бўлмоқда. Хусусан, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ставкасининг 15 фоиздан 12 фоизга туширилиши, айланмадан олинадиган солиқнинг ягона 4 фоизлик ставкада оптималлаштирилиши кичик корхоналар ихтиёрида йилига триллионлаб сўм қўшимча маблағ қолишини таъминлади. Бу маблағлар янги иш ўринлари яратиш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилишга йўналтирилмоқда.

Саноат соҳасида кичик ва ўрта бизнес субъектлари илгари фақат йирик давлат корхоналари монополиясида бўлган юқори технологияли тармоқларга фаол кириб борди. Тўқимачилик, чарм-пойабзал, қурилиш материаллари ва озиқ-овқат саноатининг асосий қисми айнан хусусий сектор ҳиссасига ўтди. Махсус индустриал зоналар ва технопаркларнинг ташкил этилиши кичик корхоналарга замонавий технологияларни олиб кириш ва халқаро стандартларга мос маҳсулот ишлаб чиқариш имконини берди. Бугунги кунда мамлакат Ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50-55 фоизни, бандлик соҳасида эса қарийб 75-78 фоизни ташкил этаётгани соҳанинг иқтисодий “локомотиви” эканлигини тасдиқлайди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги ислохотлар иқтисодий ўсиш суръатларини тезлаштиришнинг энг самарали воситаси бўлди. Туризм, логистика ва айниқса, ИТ-хизматлар соҳасидаги кичик бизнес вакиллари учун яратилган имтиёзлар натижасида соҳа экспорти кескин ошди. ИТ-Парк резидентлари учун солиқ имтиёзлари ва масофавий хизматлар экспортини рағбатлантириш тизими ёшлар ўртасида юқори даромадли тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Бу жараён мамлакатнинг рақамли трансформациясини

жадаллаштириш билан бир қаторда, миллий иқтисодиётнинг глобал бозорга интеграциялашувини ҳам таъминламоқда.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётининг нафақат ўсиш нуқтаси, балки унинг келажақдаги мустаҳкам пойдеворидир. Президент бошчилигидаги ислохотлар- солиқ юкининг камайтирилиши, ҳуқуқий ҳимоянинг кучайтирилиши ва “Маҳаллабай” ишлаш тизими орқали тадбиркорликни оммалаштириш- мамлакатнинг барқарор иқтисодий юксалишини таъминламоқда. Зеро, эркин ва қўллаб-қувватланган тадбиркор қатлами мавжуд бўлган жамиятда иқтисодий инқирозларга бардошлилик ва халқ фаровонлиги ҳамиша юқори бўлади.

Ўзбекистонда хизматлар соҳасининг ривожланиши ўзига хос бўлиб, у моддий ишлаб чиқариш билан параллел равишда шаклланмоқда ва ривож топмоқда. Хизмат турларининг ривожлантириш учун, шу соҳадаги янги иш ўринларини очиш, бошқа соҳаларга нисбатан арзонлиги ва қулайлиги, хизматларнинг кўп тури миллийлиги ва анъаналаримизнинг сақланиши ва ривожланишига мойиллигининг мавжудлиги, бозор кўникмасига, хизматларга бўлган талабнинг, бозор конъюктурасининг ўзгаришига мослашиш имкониятининг катталиги, хусусий секторда ушбу соҳани тез ривожлантириш мумкинлиги, унда модий манфаатдорликнинг юқорилиги каби омиллар ҳам мазкур соҳанинг ривожланишини тақозо қилади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш моделидаги энг катта инновация- бу ислохотларнинг маҳаллагача тушиши ва «Ҳоким ёрдамчилари» институтининг жорий этилишидир. Бу тизим орқали қишлоқ хўжалигида кластер ва кооперация тизими ривожланиб, аҳолининг томорқадан даромад олиши ва кичик агро – бизнес субъектларига айланиши рағбатлантирилмоқда. Ҳоким ёрдамчилари тавсияси билан ажратилаётган 100 миллион сўмгача бўлган гаровсиз кредитлар ва субсидиялар «камбағалликдан фаровонликка» тамойилининг амалий ифодаси бўлди. Бу тизим ижтимоий адолатни таъминлаш ва ҳудудларда иқтисодий фаолликни оширишнинг ноёб механизмига айланди.

Олиб борилган тадқиқотларимиз натижасида республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хизматлари бозорида эришилган ютуқлар билан бир қаторда, айрим муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлигини таъкидлаш лозим, жумладан:

- қишлоқ ҳудудларида янги хизмат кўрсатишга ихтисослашган инфратузилма шохобчалари етишмаслиги ва мавжудларининг иш фаолияти самарадорлиги пастлиги;

- янги иш ўринлари етарли даражада яратилмаётганлиги, кичик бизнес корхоналарида иш ҳақи нисбатан камлиги сабабли малакали мутахассисларнинг республикадан четга чиқиб кетаётганлиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хихматлари бозорида рақобат муҳити чуқур ўрганилмаганлиги;

- тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва юритиш борасидаги билим ва кўникмалар аксарият аҳоли қатламида етарли даражада эмаслиги;

- молиявий ресурслар камлиги сабабли кредит фоизлари миқдори юқорилиги ва уни олишда гаров топиш муаммолари мавжудлиги;

- меҳнатга лаёқатли аҳоли орасида малакасиз кишилар сони ортиб бораётганлиги ва бошқа муаммолар.

Мамлакатимиз ва хориж тажрибаси асосида олиб борилаётган илмий тадқиқот, ўрганиш натижалари бўйича кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хизмат кўрсатиш бозори ҳамда унинг институционал асосларини такомиллаштириш, шунингдек, юқорида қайд этилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида:

- назорат органлари ҳамда давлат идоралари фаолиятини баҳолашда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолияти устидан қанчаназорат олиб борилганлиги ва чоралар кўрилганлиги билан биргаликда, ҳар бир назорат органи ёки давлат идораси томонидан ўз йўналишлари бўйича қанча тадбиркорлик субъектлари фаолиятидаги муаммоларни ҳал этганлиги ҳақидаги кўрсаткични баҳолаш мезони сифатида амалга жорий этиш:

- тадбиркорлик фаолияти ва унга асосланган хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда, авало, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган фуқаролар ҳамда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини қизиқтирган соҳалари бўйича давлат томонидан бепул ўқитиш;

- назария ва амалиёт кенг ривожланишига имконият яратиш мақсадида олий-ўқув юрти профессор-ўқитувчиларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, хунармандчилик корхоналарида амалиётда бўлишлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг раҳбар ва мутахассис ходимларини олий ўқув юрти талабаларига амалиётдан сабоқ беришларини ташкил этиш;

- давр ўзгаришига қараб хизмат соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига доир ҳуқуқий базани янгилаб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда уни мустаҳкамлаб бориш;

- хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини технологик жиҳозлар билан таъминлаш ва унинг афзалликлари борасида тарғибот ишлари олиб бориш ҳамда бу борада қўллаб-қувватлаш механизмини соддалаштириш;

- олиб борилаётган ислоҳотлар натижаларини реклама ва оммавий ахборот воситалари орқали кенг оммага етказиш;

Ҳулоса қилиб айтганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари хизмат кўрсатиш бозори институционал асосларини ривожлантиришда зарурий

хуқуқий, меёрий, ташкилий- иқтисодий шароитни яратиш, бунда тадбиркорлик фаолиятига, айниқса, айрим шароити нисбатан оғир бўлган ҳудудларда хизмат кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш учун турли имтиёзлар жорий қилиш лозим.

Булар эса, пировард натижада, қишлоқ жойларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ташкил этилган хизмат кўрсатиш корхоналари самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлади.

Фойдаланилган адабиёт рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030 Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 мартдаги “Кичик ва урта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-50-сон Фармони.
5. “Хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятлари” С.А.Исхакова “Иқтисод ва молия” 2021 й.№2(138)-сон журналида чоп этилган мақоласи.
6. “Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш муаммолар ва уларнинг ечимлари” И.С.Очилов. Монография. “Иқтисод ва молия”, 2008й. 37-б.
7. <https://stat/uz> Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика кўмитаси расмий сайти маълумотлари
8. <https://www.lex.uz>